

Рахматов Абдухолик Фарходович
Фарғона давлат университети География
кафедраси докторанди
Фарғона, Ўзбекистон

Холматов Зиёвуддин Махманиёзович
Термиз давлат университети
География кафедраси ўқитувчиси
Термиз, Ўзбекистон

КЛАСТЕРЛАР ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ХУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИ

***Аннотация:** Ушбу мақолада кластер тушинчаси ва унинг қишлоқ хўжалигидаги ўрни хусусида тўхталган. Юртимизда кластер тизимининг фаолияти ва келажакдаги истиқболлари тўғрисида ҳамда Сурхондарё вилоятида кластер соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Кластерларни ташкил қилишда географик омиллар хусусида тўхталган. Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, узумчилик, поллизчилик, сабзавот, чорвачилик, паррандачилик, баликчилик, асаларичилик, каби тармоқлар ва уларнинг ривожини ҳақида сўз юритилади.*

***Калим сўзлар:**Кластер, агрокластер, фермер хўжалиги, «Ангор Сурхон гурури», кластерлар томонидан қайта ишлаш, Сурхондарё, кластер ташкил қилиш, географик омиллар. Суғорма деҳқончилик, техник экинлар суғорма деҳқончилик, суғориладиган ерлар, умумий майдон, тупроқ, сув.*

Рахматов Абдухолик Фарходович
докторант кафедрасы географии
Ферганского государственного университета
Фергана, Узбекистан
Холматов Зиёвуддин Махманиёзович
Преподаватель кафедры географии

Термезского государственного университета

Термез, Узбекистан

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЙ СОСТАВ И СПЕЦИАЛИЗАЦИЯ КЛАСТЕРОВ И ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется концепции кластера и ее роли в сельском хозяйстве. Проанализирована деятельность кластерной системы в нашей стране и ее дальнейшие перспективы, а также деятельность, проводимая в сфере кластера в Сурхандарьинской области. При формировании кластеров учитывались географические факторы. В Сурхандарьинской области обсуждаются вопросы развития сельскохозяйственной продукции, в том числе хлопководства, зерноводства, садоводства, виноградарства, полицейской деятельности, овощей, животноводства, птицеводства, рыболовства, пчеловодства и т.д.

Ключевые слова: Понятие кластера, Агрокластер, действующие предприятия, «Гордость Ангор Сурхана», обработка кластерами, действующие кластеры в Сурхандарьинской области, роль географических факторов в организации кластеров. Орошаемое земледелие, фермерские, технические культуры орошаемое земледелие, обрабатываемые земли, общая площадь, почва, вода.

Rakhmatov Abduholik Farkhodovich

doctoral student at the Department of Geography

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

Kholmatov Zievuddin Makhmaniezovich

Lecturer at the Department of Geography

Termez State University

Termez, Uzbekistan

TERRITORIAL COMPOSITION AND SPECIALIZATION OF CLUSTERS AND FARMS

Annotation: *This article focuses on the concept of cluster and its role in agriculture, About the activity of the cluster system from our country and work carried out in the cluster sector in Surkhandarya region, The role of geographical factors in the organization of a cluster system is discussed. In the Surkhandarya region, agricultural products, including cotton growing, grain growing, horticulture, viticulture, silviculture, vegetables, animal husbandry, poultry, fishing, beekeeping, etc., and their development are discussed.*

Keywords: *The concept of cluster, Agrocluster, operating enterprises, Type of Angor Surkhan, processing by clusters, Current clusters in Surkhandarya, the nature of geographical factors in the formation of the cluster. Irrigated agriculture, farm, technical crops irrigated agriculture, cultivated land, total area, soil, water.*

Кластерлар концепцияси ўтган асрнинг охирида ишлаб чиқилган бўлиб, моҳиятан иқтисодий ва унинг турли бўғин ва бирликларини ишлаб чиқариш, техник-технологик, бошқарув жиҳатдан самарали хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва таъминлашга хизмат қилади.

“Кластер” тушунчаси илк бор 1990 йилда инглиз Майкл Портер томонидан “Давлатларнинг рақобатдош афзаллиги” номли асарида келтирилган ва унда 10 та саноат жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилгач, Майкл Портер кластерларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ривожланиш ва саноатлаштириш жараёни таркибининг ажралмас қисмидир, деган фикрга келган. Шундай қилиб, кластер–ўзаро боғлиқ корхоналарни бирлаштиришнинг бир шакли бўлиб, бу ҳудуд иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Ташкиллаштириш шакли жиҳатидан, кластерни–вертикал равишда интеграцияланган тузилма дейиш мумкин. Кластер услубини ўлчаш, айниқса бир-бири билан боғлиқ булган корхоналар мавжуд ҳудудлар учун катта аҳамиятга эга. Кластерлар ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Ушбу ёндашув иқтисодий жиҳатдан

устувор тармоқлар ва лойиҳаларни аниқлаш имконини беради. Худудлар иқтисодийетини ривожлантиришда кластерли ёндашувнинг асосий афзалликларидан бири–иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш ва маъмурий омилларнинг ролини камайтиришдан иборат бўлиб, худудий маъмурий бирликларнинг роли фақат дастлабки босичда юқоридир, холос.

Агрокластер–тажриба сифатида. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида пахта ва бошқа экинларни етиштириш учун 18 минг гектар ер ажратилган. Пахта ва тўқимачилик фаолияти билан бир қаторда, ушбу кластер бошқа қишлоқ хўжалиги экинларни етиштириш, гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган. Бошқа экинларни етиштириш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари, ҳамда куйидаги фаолиятлар юритадиган корхоналар киради:

- пахтани қайта ишлаш;
- ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик корхоналари;
- сут, гўшт ва тухум масулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш (чорва ва паррандачилик хўжаликлари);
- қишлоқ хўжалиги масулотларини сақлаш ва қайта ишлаш.

Давлат органлари билан биргаликда кластер фаолиятини назорат қиладиган ташкилот ирригация ва мелиорация тизимларининг мунтазам равишда тозалаб турилишини ва кластернинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун узлуксиз сув билан таъминлаб беради.

Сурхондарёда ҳозирда давлат томонидан ташкил этилган кластерлар ҳақида. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бу ҳақда 2018 йил январда Сурхондарё вилоятига сафари чоғида кўрсатмалар берган эди. Шуларнинг асосида бугунги кунга келиб, Сурхондарёда 6 та тўқимачилик кластери ташкил этилди. Улар жами пахта майдонининг 67 фоиздан зиёдини қамраб олган. 2020-2021 йилларда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилган. Кластер тизими соҳага замонавий технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий қилишда муҳим омил бўлмокда.

«Ангор Сурхон ғурури» масъулияти чекланган жамиятида ҳам янги иш услуги асосида ҳосилдорлик ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги оширилмоқда. Кластернинг жами майдони 9 минг 180 гектар бўлиб, шундан 8 минг 100 гектаридан кўпроғига экин экилади. Жумаладан, бу йил қарийб 5 минг гектар ерда ингичка толали пахта етиштирилган.

Юртимиз олимлари томонидан яратилган «Сурхон-14», «Сурхон-16» навлари икки йил мобайнида тажрибадан ўтказилди. Ингичка толали бу нав экстремал об-ҳаво шароитларига, сувсизлик, гармсел ва зараркунда ҳашаротларга чидамлилиги, эртапишарлиги билан аҳамиятли. Толасининг узунлиги, пишиқлиги, текстилбоплиги сабабли жаҳон бозорида харидоргир ҳисобланади. Бошқа навлар билан меҳнат ва ресурс сарфи бир хил бўлгани ҳолда ингичка толанинг иқтисодий самарадорлиги 60 фоиз кўп бўлади. Яна бир муҳим омил — бу йил зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш учун давлат бюджетидан 120 миллиард ажратилган эди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида бу ишларга 13 миллиард сўм йўналтирилди. Вилоятда ингичка толали ғўза навларини кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтириш, олимларни рағбатлантириш бўйича чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ўтган қисқа вақтда ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди.

Қайд этилганидек, кластерлар томонидан қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича

лойиҳалар ишлаб чиқилган. 2020 йилда 410 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Сурхондарё Агрохизмат» МЧЖ, «Шеробод пахта тозалаш» АЖ, «Дўстлик», «У. Юсупов», «Бўстон» ва «Таллашкон» пахта тайёрлаш пунктлари мавжуд. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта хом ашёси етиштириш даврида илғор замонавий инновацион технологияларни жалб этган ҳолда пахта ҳосилдорлигини қўшимча 10 центнерга оширади, 2020 йил пахта ҳосилидан бошлаб республика минтақаларида янгидан ташкил этиладиган ва экин майдонлари кенгайтириладиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкил этилган бўлиб улар қаторига-Сурхондарё вилояти Термиз ва Музработ туманлари, «Инденим Слустер» МЧЖ, «Музработ пахта тозалаш» АЖ, Денов туманида «Шашмокашоб» МЧЖ Агросаноат фирмаси, Сарийосиё туманидаги «Сарийосиё пахта тозалаш» АЖ барча пахта тайёрлаш пунктлари киради

Ҳозирда Сурхондарё вилоятида қуйидаги пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари вужудга келтирилган:

“Ангор Сурхон ғурури” МЧЖ, Ангор тумани.

“Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ Бандихон, Қизирик, Шеробод туманлари.

“Термиз Жайхун Кластер” МЧЖ Бандихон, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманлари.

“Сурхон Сифат Текстил” МЧЖ Денов тумани.

“Шошмақашшоб” МЧЖ Олтинсой, Узун, Сарийосиё туманлари.

Инденим Слустер МЧЖ Термиз тумани.

Кластерлар пахта етиштиришдан тортиб, то хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан яқунланадиган тўлиқ тўқимачилик иш жараёни циклини яратади. Инновацион тўқимачилик кластери ташкил этилиб, ўзлари етиштирган пахтани қайта ишловчи замонавий фабрика ва завод курилади.

Сурхондарё вилоятида жами 5698 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб уларга ажратилган 683553 минг г йерда ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Сурхондарё вилоятида сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг салмоғи ортиб бораётганини кўрга ташланади. 2016 йил бошида вилоятда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8737,2 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу рақам 2017 йилга келиб 11608,1 млрд сўмни, 2018 йилга келиб эса 15046,2 млрд сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташкил қилган, бундан кўришимиз мумкинки сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг ортиб бориши кузатилади.

Ушбу фермер хўжаликлари ўз навбатида бир қанча турларга бўлинади булар қуйдагилар. Пахта-ғаллачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, боғдорчилик-узумчилик, узумчилик, сабзавот–полизчилик, сабзавот–ғаллачилик, чорвачилик, тутчилик, паррандачилик, баликчилик, асаларичилик, теракчилик ва бошқалар. Ушбу маълумотларни инобатга олган ҳолда вилоятдаги фермер хўжаликларининг қанча маҳсулот ишлаб чиқаришини кўриб чиқамиз.

Фермер хўжаликларининг бир йиллик ҳосили учун экилган барча экинлар (кузги экилганини қўшган ҳолда г) фермер хўжаликлари учун ажратилган йерлар 180805 г ни ташкил қилади ушбу ажратилган майдони таққослаш мақсадида, барча хўжаликлар учун ажратилга майдонлар 253132 г майдони ташкил этади. Бунда кўришимиз мумкунки фермер хўжалигига ажратилган ерлар кўплиги ва бу ерлардан олинadиган маҳсулотлар билан ҳам фермер хўжаликлари ажралиб туради. Қуйида айрим турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини кўриб чиқамиз ғалла ҳосили учун фермер хўжаликларига ажратилган ерлар 109254 г майдонга экилган бўлиб шундан олинган ҳосил эса 551954 тоннани ташкил этади. Ғалла асосан кенг майдонларда Сурхон-Шеробод текислигида кўп етиштирилади. Бошоқли экин тури сфатида қараладиган ва асосан чорва моллари учун етиштириладиган, эртапишар экин тури арпа саналади. Арпа асосан Сурхондарё вилоятида лалмикор ерларида етиштирилади, у вилоятнинг

жанубий туманларида апрел ойининг ўрталарида йиғим жарайони бошлб юборилади, Музрабод, Ангор, Термиз туманларида апрпа ўрими бошланган вақтда вилоятнинг Денов, Сариосё, Узун ва Олтинсой туманларида эса 20-30 кун баъзан 40 кунгача фарқ қилади. Арпа экилган умумий майдон фермер хўжаликлари учун 818 г ни ташкил этган холда, ушбу майдондан олинган ҳосил эса 2155 тоннани ташкил этади. Донли экинлар қаторига кирадиган маккажўхори экинни ҳам вилоятимизда етиштириш учун ажратилган ерлар 108 г ни ташкил этган холда ушбу майдондан 5367 тонна маккажўхори ҳосили етиштирилган. Маккажўхори асосан иккинчи экин тури сфатида экиладиган экин тури саналади. Вилоятдаги фермер хўжаликлари томонидан шоли ҳосили ҳам етиштирилади. Шоли асосан сувни кўп талаб қиладиган экин тури бўлиб, қишлоқ хўжалигида гуруч етиштиришда алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шоли экинни учун ажратилган ерлар майдони фермер хўжаликларида 234 г ер майдондан 3615 тонна ҳосил олинган. Шоли етиштиришда 3 та туман яқол ажратиб кўрсатишимиз мумкун, булар Музрабод, Олтинсой, Денов туманлари ҳисобланади. Ушбу туманларда шоли майдонлари кенг тарқалганини кўришимиз мумкун. Шоли сувни кўп талаб қиладиган деҳқончилик маҳсулоти саналади. Техник экинлар-маҳсулотни етиштириш мобайнида агротехник ишловлар бериш ва экинга биологик (гумус, ишқори бирикмалар) қўшиш йўли билан деҳқончилик маҳсулоти етиштириш киради. Вилоятдаги фермер хўжаликларида 69100 г ер майдонга техник экинлар етиштирилади, ваҳолангки вилоятда барча тоифадаги хўжаликларда 77461 г ер майдога техник экинлар етиштирилади бу эса жами техник экинларнинг 89 % ни ташкил этади. Вилоятдаги фермер хўжаликларида 69100 г майдонга техник экинлар етиштирилган бўлса шундан 68140 г ер майдонга ғўза эклади бу эса техник экинларнинг асоси қисмини ташкил этади. Фермер хўжаликлари томонидан ерёонғоқ ҳосилини етиштириш ҳам ривожланган бўлиб экилган майдон 16 г ни ташкил этган бўлса, ундан олинадиган ҳосил эса 15895 тоннани ташкил этади. Йерёонғоқ

ва картошка экини фермер хўжаликлари томонидан иккинчи экин сифатида экилади.

Юқоридагилар билан бирга, кластерларни ташкил қилишда географик омилларнинг ролига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Зеро, ҳудуднинг табиий агроиклим хусусиятлари, хомашё ва меҳнат салоҳияти, транспорт инфратузилма билан таъминланганлик даражаси, ўз навбатида кластерларни ташкил қилишнинг ҳудудий таркибига ҳамда иқтисодий самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Сурхондарё вилоятида фермерчиликни ривожланишининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини қисқача таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, вилоятда келгусида фермерчиликни жадал ривожланиб бориши билан бирга, уни тармоқ ҳамда ҳудудий таркибини янада такомиллаштиришнинг агроиклимий, ер-сув, меҳнат ресурслари билан таъминланиш каби катта имкониятларга эга эканлиги маълум бўлади.

Фойданланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз. – Т., 2017.
2. Қурбонов Ш.Б. “Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий географияси. – Т.:”МУМТОЗ СЎЗ”, 2019.
3. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси) – Т., 2010.
4. Сурхондарё вилояти хокимияти қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари, 2021 й.
5. Rakhmatov Abdukholiq Farkhodovich “Development of Fishing Farms in River and River Areas of Surkhandarya Region”. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 VOLUME 17 Oct 2021
6. Umarova M. H., To'rayev Q. T. Din-ziyorat turizmi bilan bog'liq bo'lgan joy nomlari va ularning kelib chiqishi // за публикацию в международном научно-практическом журнале «Экономика и социум» № 6(85) 2021

7. Nuralievich, E. M., & Mamayusupovich O. A. . (2021). Territorial Differences and Opportunities in the Branches of Transport in Surkhandarya Region. Middle European Scientific Bulletin, 16.
<https://doi.org/10.47494/mesb.2021.16.738>
8. Abdunazarov Husan Menglievich, Erdanov Mukhamadi Nuraliyevich, Niyazov Khojakul Mirzaboboevich, Turaev Quvochbek Tohirovich
Demographic Characteristics of Population
9. Growth in Uzbekistan Middle European Scientific Bulletin, 2021/10/9